

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишоннома асосида Р.Холикназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "STRONG NETWORK" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Абдуллаев иккинчи томондан «Тошлоқ тумани Садда МФЙ А.Навоий кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Тошлоқ тумани Садда МФЙ А.Навоий кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш» объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар 2022 йил "12" декабрь кунги №203012-сонли электрон баённома билан шакилланган қурилиш монтаж ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 138 402 250** (бир миллиард бир юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз икки минг икки юз эллик) сўмни ташкил этади.Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **1 138 402 250** (бир миллиард бир юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз икки минг икки юз эллик) сўмни, молиялаштириладиган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **1 081 482 137**(бир миллиард саксон бир миллион тўрт юз саксон икки минг бир юз ўттиз етти) сўмни, ташкил этади.Қолган маблағ объект фойдаланишга топширилиб қафолат муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:-қурилиш қийматини қўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-____иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мувожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 25 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **341 520 675** (Уч юз қирк бир миллион беш юз йигирма минг олти юз етмиш беш) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПФ-140-сон Фармонида асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қоллинишини ҳисобга олган ҳолда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, қафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан қафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда қафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрилиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қилади.

40. Агар томонлар икки ой ичида қилишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига I-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII. Қафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

46. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; -ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи: -ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкый жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкый имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар қўрилишини қафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик қучга эга ҳисобланади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

"STRONG NETWORK" МЧЖ

Манзил: Фарғона вилояти .Янги Маргилон. Али


қушчи қучаси 61 уй

р/сч 20208000800453826001

Тел:93-738-17-77

АТБ«Хамкорбанк» г.Қувасой фил

МҒО: 01003, ИНН: 302 852 330



Рахбар:

А.Абдуллаев

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-уй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр: 401722860302277063201110001

СТИР: 305-987-080

ОКОНХ 42210

ХР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МҒО: 00014

СТИР: 201 122 919



Рахбар:

Р.Холикназаров

Хушбўй хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Пудратчи раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист

А.А.Нишонов

Қурилишнинг титуль рўйхати

Бўлим I. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Қурилиш жойи ва номи	“Тошлоқ тумани Сада МФЙ А.Навой кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш”
инвестор	Фукарлар ташаббуси жамғармаси
Буюртмачи	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси
Лойихачи номи	"BRIGHT GRAPHICS" МЧЖ
ЛХС	Бор
Экспертиза	№77694 24.11.2022 й
Бош пудратчи	"STRONG NETWORK" МЧЖ
Молиялаштириш манбаси	Фукарлар ташаббуси жамғармаси

Қурилиш бошланиш ва тугаш вақти	2022-й.				
2.Қурилишнинг асосий кўрсатгичлари:	Лойиха бўйича	1.01.2022 й. Ҳолатига қолдик	1.01.2023 й. Ҳолатига қолдик		
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)	1,5 км/1 объект				
Асосий фондлар	1170,90	1170,90	0,00		
Капитал қўйилмалар	1170,90	1170,90	0,00		
Қурилиш монтаж ишлари	1138,40	1138,40	0,00		
Ускуна,жихозлар, инвентарлар	0,00	0,00	0,00		
Бошқа иш ва хизматлар	32,50	32,50	0,000		
Буюртмачининг саклаш харажатлари		0,00	0,00		
Шартнома нархларида (млн.сўм)					
2022 йил учун МВ ва ИТКҚВ билан келишилган манзиллий рўйхатга асосан	1,5 км/1 объект				
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)		1170,90			
Асосий фондлар		1170,90			
Капитал қўйилмалар		1138,40			
Қурилиш монтаж ишлари		0,00			
Ускуна,жихозлар, инвентарлар		32,50			
Бошқа иш ва хизматлар		0,00			
Буюртмачининг саклаш харажатлари					
Бўлим II.2022 йил чораклар бўйича. (жорий нархда млн.сўм)					
	Йиллик жами	жумладан чораклар бўйича			
		I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириш қуввати	1,5 км/1 объект				
Асосий фондлар	1170,90				
Капитал қўйилмалар	1113,98	0,00	0,00	0,00	1113,98
Қурилиш монтаж ишлари	1081,48	0,00	0,00	0,00	1081,48
Ускуна,жихозлар, инвентарлар	0,00				
Бошқа иш ва хизматлар	32,50				32,50
Буюртмачининг саклаш харажатлари	0,00				

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

Р.Холикназаров

Пудратчи:

"STRONG NETWORK" МЧЖ

А.Абдуллаев



**“Тошлоқ тумани Салда МФЙ А.Навоний кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш”
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини бажариш графиги**

Ишлар бажариш даври - 1 ой

Жами қурилиш қиймати

2022 йилда бажарилган ишлар қиймати

2023 йилда бажарилган ишлар қиймати

1 138 402 250 (бир миллионда бир юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз икки минг икки юз эллик) сўм ҚҚС билан

1 138 402 250 (бир миллионда бир юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз икки минг икки юз эллик) сўм ҚҚС билан

Ишлар номи	қурилиш қиймати	2021 йилда бажарилган ишлар қиймати	2022 йилда бажариладиган ишлар қиймати	2022 йил												Ишдан йилга ўтувчи объектнинг 2023 йил учун қолдиқ
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
Объект бўйича жами	1 138 402 250,00	0,00	1 138 402 250,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0	1 138 402 250,00			
Шу жумладан:																
Қурилиш монтаж ишлари	1 138 402 250,00		1 138 402 250,00								0,00	0,00	0	1 138 402 250,00		
Усуна, жиҳозлар, инвентарлар	0		0													


Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ижинириги компанияси” УҚ Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:



Қолқоназаров

Пудратчи:
“STRONG-NETWORK” МЧЖ



**“Тошлок тумани Садла МФЙ А.Навой кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш”
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини молиялаштириш графиги**

1 138 402 250 (бир миллиард бир юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз икки минг икки юз эллик) сўм ҚҚС билан

Жами қурилиш қиймати

2022 йилда молиялаштирилган маблағ

2023 йилда молиялаштирилган маблағ (шундан кафолат суммаси ушлаб қолинади)

1 081 482 137 (бир миллиард саксон бир миллион тўрт юз саксон икки минг бир юз ўттиз етти) сўм ҚҚС билан

	Жами қурилиш қиймати	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йил												2023 йилга қолган маблағ
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	2022 йил учун 5 % ли сумма		
Молиялаштириш шартлари																
Аванс 30 %	341 520 675,0		341 520 675,0											341 520 675,0		
бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш 65 %	739 961 462,0		739 961 462,0											739 961 462,0		
Фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати туғатилган сўнг молиялаштирилган маблағ 5 %	56 920 113,0	0												56 920 113,0		
ЖАМИ:	1 138 402 250,0	0	1 081 482 137,0	0	0	0	0	0	0	0	0,0	0,0	1 081 482 137,0	56 920 113,0	0	

Бюрогмачи:

“Сув таъминоти ва оқоват хўжалик ширкати” АЖнинг қурилиш бўйича инжиниринг компанияси” 1-қарқово филиали ҳудудий бошқармаси бошлиғи:



Пудратчи:
“STRONG NETWORK” МЧЖ





XALQ DEPUTATLARI TOSHLOQ TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 28 - oktabr

VI-62-130-11-160-K/22

Toshloq tumani hokimligi

Mahalliy byudjet mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish jarayonlarida fuqarolarning ishtirokini yanada qo'llab-quvvatlash to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida "Mahallalarni obod qilish va aholini o'ylantirayotgan masalalarni hal etish bo'yicha ustuvor vazifalar"ga bag'ishlab 2022-yil 11-oktyabr kuni o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida berilgan topshiriqlar ijrosini ta'minlash va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan mahalliy budget mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish jarayonlarida fuqarolarning ishtirokini yanada qo'llab-quvvatlash maqsadida xalq deputatlari Toshloq tuman Kengashi

QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida "Mahallalarni obod qilish va aholini o'ylantirayotgan masalalarni hal etish bo'yicha ustuvor vazifalar"ga bag'ishlab 2022-yil 11-oktyabr kuni o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida berilgan topshiriqlar ijrosini ta'minlash maqsadida Toshloq tumaniga har biri 2 ming tadan ortiq ovoz to'plagan, lekin g'olib bo'lmagan **4 ta** takliflarni moliyalashtirish uchun respublika byudjeti mablag'lari hisobidan **3 650 mln.so'm** qo'shimcha mablag' ajratilganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ishchi guruh xulosalariga asosan, xalq deputatlari Toshloq tuman Kengashining 2022-yil 4-fevral kungi VI-53-19-11-160-K/22-sonli qarori bilan

tasdiqlangan Nizom talablaridan, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida "Mahallalarni obod qilish va aholini o'ylantirayotgan masalalarni hal etish bo'yicha ustuvor vazifalar"ga bag'ishlab 2022-yil 11-oktyabr kuni o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida berilgan topshiriqlaridan kelib chiqib, 2 mingtadan ko'p ovoz olgan hamda "Ochiq budget" axborot portalida avtomatik tarzda g'olib sifatida tanlab olingan takliflar "g'olib" deb topilsin.

3. Toshloq tumani bo'yicha o'tkazilgan tashabbusli byudjet jarayoni yakunlariga ko'ra g'olib bo'lgan ID 1450600021 loyihani amalga oshirish bo'yicha xarid qilinadigan tovar (xizmatlar) reestr 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

4. Ushbu takliflarni moliyalashtirish bo'yicha "Manzilli ro'yhat" 2-ilovaga muvofiq tasdiqlansin hamda ijro uchun qabul qilinsin.

Bunda,

- Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha tuzilgan shartnomaga ishlar hajmining ko'payishi yoki loyihaning o'zgartirilishi bilan bog'liq o'zgartirishlar kiritilishiga yo'l qo'yilmaslik;

- Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltiriladigan tuman mablag'lari tuman hokimligi qoshida ochilgan "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" shaxsiy g'azna hisobvarag'ida jamlangan mablag'larni boshqa maqsadlarga sarflanishi taqiqlanishi belgilab qo'yilsin.

5. Tasdiqlangan Manzilli ro'yxat asosida:

- tuman hokimligi Moliya bo'limi (J.Qurbonov) tanlab olingan tadbirlarni moliyalashtirilishini ta'minlash maqsadida, buyurtmachi tashkilotlariga tegishli mablag' manbaasi bo'yicha (4017) "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" maxsus hisob raqamlari ochilishini;

- tuman hokimligi hisobxonasi (Sh.Mo'minov) Jamg'arma mablag'lari hisobidan tegishli buyurtmachi tashkilotlarga mablag'lar yo'naltirilishini;

- buyurtmachi tashkilotlar ajratilgan mablag'larni loyiha-smeta xujjatlari asosida belgilangan tartibda maqsadli ishlatilishi va amalga oshirilgan ishlar bo'yicha xalq deputatlari tuman Kengashi va tuman hokimligi huzuridagi ishchi guruhga ma'lumot kiritib borilishi ta'minlasin.

6. Tuman hokimligining axborot xizmati rahbari-matbuot kotibi (R.Mamajonov) va tuman moliya bo'limi (J.Qurbonov) bilan birgalikda

jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan va “g‘olib” deb topilgan tadbirlarning moliyalashtirishi hamda amalga oshirilishi lozim ishlar bo‘yicha ma’lumotlarni “Ochiq byudjet” portaliga joylashtirilishi va keng jamoatchilikka muntazam yoritib borilishini ta’minlasin.

7. Tuman byudjetlarining jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo‘naltirilgan mablag‘larining belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag‘larning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha hujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya a‘zolari shaxsan javobgarligi eslatib o‘tilsin.

8. Mazkur qaror bajarilishini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy byudjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo‘yicha doimiy komissiyasi (M.Djo‘raboyev) tuman hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari K.Umarov zimmlariga yuklatilsin.

Kengash raisi



A.Djurabaev

Xalq deputatlari Toshloq tuman Kengashining
2022 yil 28 oktabrdagi
VI-62-130-11-160-K/22-son qaroriga
1-ilova

Toshloq tumani bo'yicha o'tkazilgan tashabbusli byudjet jarayoni yakunlariga ko'ra g'olib bo'lgan ID 1450600021 loyihani amalga oshirish bo'yicha xarid qilinadigan tovar (xizmatlar)

Reestri

T/R	Tovar (xizmat) nomi	Soni	Bozor narxi	Summasi
1	Parta (5-11 sinf)	270	1,300,000	351,000,000
2	Parta (1-4 sinf)	180	1,300,000	234,000,000
3	Teatralniy stulya (3-o'rindiqli)	50	1,300,000	65,000,000
4	Ish stoli (faollar zali)	1	10,000,000	10,000,000
5	Oshxona stoli	20	800,000	16,000,000
6	Doska	8	1,700,000	13,600,000
7	Ish stoli	25	850,000	21,250,000
8	Elektron doska 43d	2	25,000,000	50,000,000
9	O'qituvchilar xonasi stoli	1	14,000,000	14,000,000
10	Rahbar stoli	4	6,000,000	24,000,000
Loyihani amalga oshirish jami qiymati				798,850,000

Xalq deputatlari Toshloq tuman Kengashining
2022 yil 28 oktabrdagi
VI-62-130-11-160-K/22-son qaroriga
2-ilova

Toshloq tumani "Tashabbusli byudjet" loyihasining 2-mavsumi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-oktabrdagi "Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-409-sonli qarori natijalariga asosan jamoatchlik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha
MANZILLI RO'YXAT

№	G'olib taklif ma'lumotlari						Amalga oshirishning aniqlangan qiymati	Xaqiqatda ajratilgan mablag'	Buyurtmachi etib belgilangan tashkilot
	Taklif ID raqami	Taklif turkumi	Qisqacha mazmuni	Tadbirlarning manzili (Joylashgan MFY nomi)	Amalga oshiriladigan tadbir turi	To'plagan ovozlari soni			
1.			Toshloq tumani jami		xxx	11,773	3,650	3,650	
2.	1450600142	Ichimlik suvi va oqava tizimini yaxshilash bilan bog'liq tadbirlar	Sadda MFY A.Navoiy ko'chasidagi ko'p qavatli uylarga 1,5 km kanalizatsiya tarmog'ini tortish	Toshloq tumani Sadda MFY	Qurilish	3465	1,200	1,200	Suv ta'mionta va oqava suv ob'ektlari qurilishi bo'yicha injineriing kompaniyasi UK hududiy boshqarmasi

3.	1450600028	Sogʻliqni saqlash muassasalarini taʼmirlash va moddiy-texnika bazasini rivojlantirish tadbirlari	Insonlarga sifatli tibbiy xizmat koʻrsatish maqsadida Toshloq tumani Turvat MFYda joylashgan Turvat QVP binosini joriy taʼmirlash	Toshloq tumani Turvat MFY	Taʼmirlash	3452	850	850	Tuman tibbiyot birlashmasi
4.	1450600103	Umumtaʼlim maktablarini taʼmirlash va moddiy-texnika bazasini rivojlantirish tadbirlari	Toshloq tumani 6-umumiy oʻrta taʼlim maktabini joriy taʼmirlash	Toshloq tumani Qamchipurush MFY	Taʼmirlash	2626	800	800	Tuman xalq taʼlimi boʻlimi
5.	1450600021	Umumtaʼlim maktablarini taʼmirlash va moddiy-texnika bazasini rivojlantirish tadbirlari	Toshloq tumani 12-umumiy oʻrta taʼlim maktabiga zamonaviy oʻquv jihozlari sotib olish	Toshloq tumani Zarkent MFY	Jihozlash	2230	800	800	Tuman xalq taʼlimi boʻlimi

ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАГЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА
БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ҚИЛИШ
0504/8909/1/220169-001-сонли ПОЛИСИ

Мазкур Сугурта полисига (бундан буён - Полис) асосан Сугурталовчи, Полисда шартлашилган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига, Сугурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга, сугурта ҳодисаси содир бўлганда, Полисда белгиланган сугурта пули доирасида зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

Мазкур Полис, Полисининг ажралмас қисми ҳисобланадиган 2022 йил «16» декабрдаги 0504/8909/1/220169-сонли "Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий сугурта қилиш" шартномаси доирасида тузилган.

1	Сугурталовчи	"APEX INSURANCE" АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 20.04.2019 йилдаги СФ 00241-сонли Лицензияси Юридик манзил: Тошкент ш., Буюк Йпак йўли кўчаси, 154 А уй. телефон: + (99871) 203 08 08, қисқа рақам 1188 Сугурталовчи тўғрисида батафсил маълумот ушбу сайтда: https://apexinsurance.uz
2	Сугурта қилдирувчи	«STRONG NETWORK» МЧҚ
3	Қурилиш объекти номи	"Тошлоқ тумани Садда МФЙ А.Навоий кўчасидаги куп каватли уйларга канализация тармоғи тортиш"
5	Сугурта ҳодисаси	Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда сугурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодаладиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш- монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилиши.
6	Сугурта пули	910 721 800,00 (Тўққиз юз ўн миллион етти юз йигирма бир минг саккиз юз) сўм
6.1.	шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги бўйича	
7	Сугурта мукофоти	253.000,0 (Икки юз эллик уч минг) сўм

Полис 2022 йил 16 декабрда имзоланган ва 2023 йил 10 январ соат 23:59 қадар амал қилади.
Сугурталовчининг жавобгарлиги мазкур полисининг 7 бандида кўрсатилган сугурта мукофоти ёки унинг қисми
тўлангандан кейин юзага келади.

Сугурталовчи номидан:

Ш.Б.Джурабоев
Ф.И.Ш. (мансаби)



16.12.2022 й.
сана

«APEX INSURANCE» МЧҚ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари
мажбурий сугурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

0293480